

## 2018 йилнинг январь – сентябрь ойларида


### ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида Бухоро вилоятида 2411,0 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш сурати 103,9 % ни ташкил этди.

Шунингдек, йирик пудрат ташкилотлари томонидан ўз кучи билан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 381,1 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 58,7% ни ташкил қилиб, ўтган ойга нисбатан 1,1 фоизга ўсган. Қурилиш ишларининг жамига нисбатан улуши 15,8 фоизни ташкил қилган. (*ўтган йилнинг мос даврида 29,1 фоизни ташкил қилган эди.*)

Мос равишда, кичик бизнес томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 2029,9 млрд. сўмни ташкил қилиб, (умумий қурилиш ишлари ҳажмида улуши 84,2%) шундан кичик корхона ва микрофирмалар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 973,8 млрд. сўмни (ўтган йилга нисбатан 128,5 %) ҳамда норасмий сектор бўйича 1056,1 млрд. сўм ёки ўтган йилга нисбатан 116,8% ни ташкил этди.


#### **Қурилиш ишлари, жамига нисбатан фоизда**



Курилиш ишларнинг умумий ҳажмидан 62,1 фоизи ёки 1496,3 млрд. сўм - янги қурилиш, реконструкция, кентгайтириш ва техник қайта қуроллантиришга (ўтган йилнинг мос даврида 55,8 фоиз ёки 1077,4 млрд. сўм), 37,9 фоизи ёки 914,7 млрд. сўм (ўтган йилнинг мос даврида 44,2 фоизи ёки 853,1 млрд. сўм) – капитал таъмирлаш, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишларига тўғри келади.


### 2018 йил январь – сентябрь



(жамига нисбатан фоизда)



### 2017 йил январь – сентябрь

(жамига нисбатан фоизда)




-  янги қурилиш, реконструкция, кентгайтириш ва техник қайта қуроллантириш
-  капитал таъмирлаш, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишлари

Кичик корхона ва микрофирмалар асосан сотиш учун мўлжалланган турар жойларни қуришда, автомобил йўллари қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишларида, “Обод Махалля” ва “Обод Қишлоқ” дастурлари бўйича олиб борилаётган қурилиш ишларида, шунингдек ижтимоий соҳа объектларини (мактаб, мактабгача таълим муассасалари ва бошқалар) қуришда ва намунали ҳамда арзонлаштирилган турар жойларни қуриш ишларида қатнашмоқда.

## Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича бино ва ишоотларни қурилишига 1745,2 млрд. сўм, (ўтган йилнинг мос даврида 1235,1 млрд. сўм) фуқаролик объектларини қурилишига 287,5 млрд. сўм (ўтган йилнинг мос даврида 248,5 млрд. сўм) ва ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳажми 378,3 млрд. сўм (ўтган йилнинг мос даврида 446,9 млрд. сўм) ташкил қилди.




Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишларининг асосий қисми қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, турар жой ва яшаш учун мўлжалланган бинолар қуриш ҳамда яшаш учун мўлжалланмаган биноларни қуриш бўйича амалга оширилган қурилиш ишларидан ташкил топди. Уларнинг улуши жами қурилиш ишлари ҳажмида 72,4 % ни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос давридаги кўрсаткичга нисбатан 8,4 % пунктга кўпайди.

Фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ҳажми жорий даврда 11,9 % ни ташкил этиб, ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 1,0 фоизга камайган.


Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳиссасига эса 15,7 % тўғри келди ҳамда ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 7,4% пунктга камайди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажмининг таркиби,  
жамига нисбатан фоизда**

**январь-сентябрь 2018 йил**



**январь-сентябрь 2017 йил**



## Мулкчилик шакли бўйича.

Нодавлат мулкчилиги билан қурилиш корхоналари томонидан 2300,9 млрд. сўм қурилиш ишлари бажарилган, ўтган йилга нисбатан ўсиш фоизи 104,8 фоизни ташкил қилган. Умумий ҳажмга нисбатан улуши 95,4 фоизни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,0 фоизга кўпайган.

## Ҳудудлар кесимида қурилиш ишларининг ўсиш суръатлари.

*(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан %да)*

